

23-Мавзу: Гуруҳ раҳбарининг оила ва жамоатчилик ҳамкорлигида олиб бориладиган педагогик фаолияти

РЕЖА:

1. Гуруҳ раҳбарлари иш режасида ҳозирги замон ўзбек оилаларидаги тарбиянинг хусусиятларини эътиборга олиш имкониятлари .
2. Бугунги кунда оиладаги долзарб муаммолар.
3. Ўзбек мутафаккирларининг оила-жамоатчилик билан олиб бориладиган тарбияси ҳақидаги қарашлари.

**Ёш оилаларга нисбатан ғамхўрликни кучайтириш,
уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини
таъминлаш, соғлом ва мустахкам оилаларни
Шакллантириш мақсадида ҳокимликлар:**

**-ёш оилаларга уй жойлар
харид қилиш учун
кредетлар бериш;**

**- республикамиздаги барча
туман ва шаҳарларда 10 та кам
таъминланган оилаларни
тўйини ўтказиб бериш;**

**- 42та бахт уйлари қуриш
ва қайта таъмирлаш;**

**- барча туманлардаги 50та
таъминланган ёш оилаларга
биттадан бепул қора мол
ажратиш;**

**- ёш ва кам таъминланган
оилаларга ҳар ойда моддий
ёрдамларни амалга оширишда
кўмаклашишлари даркор.**

**-2010-2011 йилар давомида Тошкент шаҳар,
Нукус шаҳри ва вилоят марказларида
32 тадан бўш ётоқхона ва фойдаланмаётган
биноларни ёш оилаларга кейинчалик
харид қилиш шарти билан ижарага бериш;**

Бугунги кунда оиладаги долзарб муаммолар.

«оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар билан уйгун тарзда ршожлантириш, унинг нуфузини ошириш масаласига давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йуналиши сифатида доимий эътибор бериб келмоқдамиз»,

Энг катта муаммо - бу шаърий никоҳ билангина чекланиб турмуш куриш ҳолатларининг мавжудлигидир. Унинг бир қатор салбий жиҳатлари борки, уларга, аввало, қуйидагилар киради:

оилалардаги маънавий муҳит
бузилади ва ундан келиб
чиқадиган барча
асоратларнинг гувоҳи бўламиз.

оталикни белгилаш
ҳолатлари бир йилга
етмай ошиб кетади;

қўшхотинлилик
кўпаяди;

**Шаърий никоҳ билангина
чекланиб оила қуришнинг
оқибатлари, минг афсуски,
кўплаб ижтимоий
муаммоларни келтириб
чиқаради, яъни:**

боланинг, қолаверса,
онанинг ҳақ-ҳуқуқлари
поймол бўлади;

ёлғиз оналар
сони кўпаяди

эркакларнинг оила ва никоҳ
деган тушанчаларга бўлган
муносабти кескин ўзгаради,
эркаклик, оталик масъулияти
камаяди;

Бугунги кунда оила ажримларининг асосий сабаблари:

- йигит ва қизларнинг оилавий ҳаётга тайёр эмасликлари, айрим она-оналарнинг қайноналик ва қайноталикка психологик тайёр эмаслиги;
- мураса қилиш одобининг шаклланмаганлиги;
- тўй-ҳашамлар билан боғлиқ мажороларнинг ёш оила тақдирига таъсири;
- оиланинг ўз иқтисодий муаммоларини ўзи мустақил ҳал қила олмаслиги;
- саломатлик омили (тиббий кўрикдан ўтмаслик, келинчак саломатлигининг яхши эмаслиги, фарзанднинг хасталикка чалиниши, ногиронлик ва ҳ.к.);
- қайнона-келин муносабатларининг ёмонлиги;
- эрнинг тайинли ҳунар ва иш эгаси эмаслиги, оилада аёлнинг ягона рўзғор тебратувчи бўлиб қолиши;
- ноқонуний миграция;
- қўшхотинлилик, норасмий никоҳлар;
- рашк, хиёнат;
- бепуштлик;
- бошқа сабаблар.

Яна бир муаммолардан бири хотин-қизлар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатларига барҳам беришдир. Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, ўз жонига қасд қилиш ҳолатини ўрганса ва унинг олдини олса бўлади, чунки бу ишни қилишга ундаган мотив ҳар бир ҳолатда индивидуал характерли бўлса-да, унинг келиб чиқишига туртки бўладиган ташқи омилларда муайян ўхшашликлар бор.

Агар жами қасд қилганларга нисбатан олинганда, заҳарланиш воситасида қасд қилиш энг кенг тарқалган усул сифатида намоён бўлмоқда (44,25%). Агар 2007 йилда бундай хотин-қизлар сони 835 нафарни ёки 47% ни ташкил этган бўлса, 2008 йилнинг охирига келиб улар сони 746 нафарни ёки 42,2%ни, 2009 йилда эса жами **726** нафарни ташкил этган. Кенг тарқалган усуллар қаторига ўзини ошиш йўли кириб келмоқда. Минг афсуски, суиқасд оқибатида ҳаётдан кўз юмган хотин-қизлар сони ҳам кам бўлса-да, ўсиш тенденциясига эга эканлиги маълум бўлмоқда. Чунки 2006 йилда бундай жабрдийдалар сони 520 нафар (31,7%) бўлган бўлса, 2008 йилда 578 нафарни, 2009 йилда 564 нафарни ташкил этиб, 33,8% га етган.

Яна бир муаммо - қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳларнинг йўқ бўлмаётганлиги. Чунки ушбу омил туфайли ҳамон айрим оилаларда ногирон болалар туғилмоқда. Маълумотларга таянадиган бўлсак, агар қариндош бўлмаган ота-оналардан ногирон бола туғилиш хавфи 2 ёки 3% бўлса, қариндошлар жуфтлигида бу ракам 4,5 - 5,0 % гача боради, яъни, икки баробар ортиқдир.

Юртимиздаги никоҳларнинг 20 фоизидан кўпроғи яқин қон-қариндошлар ўртасидаги никоҳлар экан. Олимларнинг фикрича, қон-қариндошлардан ташкил топган ҳар 100 та оиладан 60 тасида туғма ирсий касалликка чалинган фарзанд туғилади. Носоғлом фарзанд туғилиши хавфи қон-қариндошлик қанчалик яқин бўлса, шунчалик юқори бўлади. Ҳозирги вақтда тиббиётда 6 мингдан ортиқ туғма ирсий касалликлар мавжудлиги қайд этилган бўлса, шулардан 1,5 мингтаси даволаб бўлмайдиган ёки умрбод даволаш керак бўлган касалликлардир. Ҳозир чақалоқларнинг 5 фоизи ирсий касаллик билан, 1 фоизи ўлик туғилаётганлиги, аёллар ва эркакларнинг бепуштлиги, 1 ёшгача бўлган болалар ўртасидаги ўлимнинг бир қисми ирсий омиллар билан боғлиқ.

Блиц-сўров саволлари

<i>№</i>	<i>Савол</i>	<i>Жавоб</i>
1.	Тарбияга таъриф келтиринг?	
2.	Тарбия жараёнига таъсир этувчи омилларни санаб ўтинг.	
3.	Тарбия жараёнида oilанинг роли қандай?	
4.	Oilада фарзандлар тарбиясига отанинг роли қандай бўлиши керак?	
5.	Шарқ мутафаккирлари ижодида oilавий тарбия қандай ўрин олган?	

ПАРАДОКСЛАР УСУЛИ



Ўқитувчи саволлар тизимини кетма-кет бериб талабаларнинг фикрларини ўрганади



Диагностика натижаларига кўра маърузани олиб бориш жараёнида талабаларнинг қарама-қаршиликка (тушунчалардаги, билимлардаги) келишларини таъминлайди. Бундай вазият асосан талабанинг тушунчаларидаги адашишлар ва хатоликлар билан боғлиқ. Демак, бу муаммовий вазият талабаларнинг олдинги фикр, тушунчалари ва хулосаларига қарама-қарши, парадоксал бўлган вазиятдир.

Талабалар муаммовий вазиятни юзага келтирган амаллардаги хатоликни излайдилар (лекин амалларда хўтолик йўқ)



Ижодий фикрлай оладиган талаба амалларнинг бажарилиши жараёни эмас, балки мазкур амалнинг ўзи хато эканлигини аниқлай олади (бундай талаба топилмаса ўқитувчининг ўзи буни ошкор қилишига тўғри келади).



Амалли (процедуравий) хатолик – нотўғри амални тўғри бажарилишдир.

Парадокслар усулини қўллаш қоидалари

Талабалар билимларини фаоллаштириб олиш зарур.

Талабалар парадокс объекти сифатида олинаётган жараён ҳақида ўз фикрларини (**қайсики хато бўлган**) тўғри деган хулосага келган бўлишлари керак.

Талабалар муаммовий вазиятга ўзлари дуч келишлари керак ва тўғри деб билган нарсаларининг хато бўлиб чиққанидан тушунмовчиликда қолишлари (хайрон бўлишлари) керак. Бу ўта муҳим, чунки айнан шу сабаб улар фаол фикрлай бошлайдилар, хатоликни топишга ҳаракат қиладилар.

Парадоксни, қарама-қаршиликни қандайдир бир қийинчиликлар билан адаштирмаслик лозим.

Парадокслар усули – бу аввалдан билганлари билан янги билимлар ўртасидаги кўприқдир. Шу тарзда янги билимнинг аввалдан маълум билим билан ўзаро боғланиши ва бу **жараённиҳис қилишга** талабани «**мажбур**» қилиниши уни хотирада мустаҳкамланиб қолишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР:

- Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури».-Т.: 1997.
- Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни.-Т.: 1997.
- Н.Ғайбуллаев ва бошқ. Педагогика. –Т.: ЎМУ, 2005.3-42 бетлар.
- З.К.Исмаилова, А.А.Шаюсупова. Педагогикадан маърузалар матни. –Т.: ТИМИ, 2005. 3-25 бетлар.
- Б.Зиёмухамедов, Ш.Абдуллаева. Педагогика. –Т.: ЎМЭдавлат илмий нашриёти, 2000.3-22 бетлар.
- З.К.Исмаилова. Педагогикадан амалий машғулотлар.-Т.: Фан, 2001.-153 бет.
- З.К.Исмаилова. Педагогика.-Т.: Молия, 2008 й.

Э Ё Т И Б О Р И И Ш Г И З У Ч У Н
р а х м а т !